

---

## ЭЗГУ ИШЛАР ҲАШАР ЙЎЛИ БИЛАН ОЛИБ БОРИЛМОҚДА

Вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманлари қатори Қўштепа туманида ҳам ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги бўлиб ўтмоқда. Ойлик доирасида туманимиз марказидан тортиб қишлоқларгача, ишлаб чиқариш корхоналаридан тортиб далаларгача, маҳаллаларда, ижтимоий соҳа объектларида, корхона-ташкilotлар ва муассасаларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Туманимизда ўтказилаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлигида маҳаллаларни ободонлаштириш, кўчаларни, ариқ ва зовурларни тозалаш, дарахтларни оқлаш ва буташ, хонадонлар олдида манзарали ва мевали кўчатлар ҳамда мавсумий гулларни экиш, шунингдек ҳар бир ҳудудда қабристонларни обод қилишдек эзгу ишлар ҳашар йўли билан олиб борилмоқда.

Ҳашарда иштирок этаётган Қўштепа тумани ободонлаштириш бошқармасининг 100 нафардан зиёд ишчи ходимлари айна дамларда Қўштепа-Ёзёвон-Марғилон катта йўлининг икки четидаги ариқ ва зовурларни тозалаб, мевали ва манзарали дарахтларга шакл бериш, оқлаш ишларини олиб бормоқдалар.

Ободонлаштириш ишларида “Деҳқон бозори” МЧЖ ишчи-ходимлари ҳам фаол иштирок этмоқдалар.

Қўштепа тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)  
2021-02-04 11:40:16